

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ДАВР САДОСИ
 Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 45 (9.237) 1999 йил 21 апрель, чоршанба Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН — ЧЕХИЯ: ҲАМКОРЛИК КЎЛАМЛАРИ КЕНГАЯДИ



20 апрель кун Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Пойтахт аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов кутиб олди.

Бугун Ўзбекистонда ўн бешта Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси қайд этилган. Хусусан, «Лечево», «Авиа», «Клуб-97» каби қўшма корхоналарнинг асослари қўрилган. Бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмай туриши афсуски, ҳақиқат. Лекин бугунги кун мавжуд муаммоларни имкон қадар тезроқ ҳал қилиб, ҳамкорликни ривожлантириш зарурдир. Шу боис биз аниқ лойиҳалар асосида иш юритмоғимиз керак.

Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Чехия Бош вазири Милош Земан билан яқинлашувлари бўлиб ўтди. Урашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳоли, истиқболдаги режалар, шунингдек, халқаро ва минтақавий ҳавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Сўнгра икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Музокараларда асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масаласига қаратилди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Чехия Бош вазири Милош Земаннинг мазкур ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлашди ва муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Музокараларда Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун ўзаро иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тўзиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда сервис ва лизинг хизмати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалаларда ҳам муайян келишувга эришиш ҳар икки томон учун бирдек фойдали бўлиши эди.

Музокаралар натижасида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамда Чехия Бош вазири Милош Земан Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекдилар. Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ўртасида автомобиль транспортида халқаро йўловчи ва юк ташини тўғрисидаги Битим ҳам имзоланди.

Шундан сўнг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуман муқаддимасида мамлакатимиз раҳбари Чехия Республикаси Бош вазири билан бўлиб ўтган мулоқотлардан тўла қониқ хис қилганини таъкидлади. Сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик муносабатларини чўқурлаштиришга қаратилган, шунингдек, халқаро ва минтақавий ҳавфсизлик ҳамда бошқа масалалар юзасидан томонларнинг қарарлари бир хил экани аён бўлганини қайд этди.

Маълумки, Чехияда ишлаб чиқарилган товарлар ўзбек хариддорларининг эътиборини қозона олган. Қўшма қўламлари ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Бунга мисол тариқасида биргина «Самарқанд-Прага» қўшма корхонаси номини тилга олишимиз ўзи kifoy. Ҳозир Чехия капитални иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар маҳсулотлари нафақат Ўзбекистон, балки мамлакатимиз сарҳадлардан ташқари ҳам машҳур. Машинасозлик, фармацевтика, энгил санаят соҳаларида ҳамда пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан қадимдан маданият бешиги бўлган Ўзбекистонга ташрифидан мамнунини изҳор этди. Бош вазири ўз мамлакатини Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликдан катта манфаат топишини таъкидлар экан, ҳар икки давлат имкониятлари фойдаланиш, айни пайтда ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қатор лойиҳалар мавжуд эканини айтди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Чехия Бош вазири М.Земаннинг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

Шухрат УМИРОВ,
 Фарход АРЗИЕВ,
 Ў.А. муҳбирлари.

СУРАТДА: учрашув пайти

Абдувоҳид Тўраев(Ў.А) олган сурат.

ДАВЛАТЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

КЕЧА
 пойтахтимиздаги «Ўзбек-номарказ» одамлар билан жуда гавжум бўлди. Бу ерда «Чехия Республикаси — Сизнинг савдо шеригингиз» кўргазмасининг ташкили очилиш маросими бўлди.

Ушбу маросимга мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Чехия Бош вазири Милош Земан Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов хамроҳлигида ташриф буюрди. Икки мамлакат Бош вазирилари кўргазманинг рамзий тасмасини кесдилар. Бу кўргазма Чехия санаят ва савдо вазирлиги раҳбарлигида ташкил этилган. Унда Чехиянинг автомобилсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, машинасозлик санаяти ва бошқа соҳаларида, шунингдек, Ўзбекистон — Чехия қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналари намойиш этилмоқда.

Кўргазмага ташриф буюрган меҳмонлар унинг икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожига қучли туртки берадиганини билдирилди.

СУРАТЛАРДА: «Чехия Республикаси — Сизнинг савдо шеригингиз» кўргазмасида. Рустам Шарипов олган суратлар.



Кўргазмалар

«Мотоков» Чехиядаги катта компаниялардан ҳисобланади. У 50-йилларда ташкил этилган бўлиб, асосан авиотехника экспорт ва импортга ихтисослашган. Компания неча йиллардан бери юк автомобиллари, «Лиаз», «Авиа» тракторлари, шина, резина маҳсулотлари, мотоцикл, велосипедлар ишлаб чиқариши ва сотиши билан шуғулланиб келади. У фаолияти доирасида компания АКШ, Германия, Франция каби дунёнинг 15 мамлакатини 1993 йил баҳорда мамлакатимизда ҳам ўз фаолиятини бошлади. Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земаннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этгани шу кунларда биз компаниянинг мамлакатимиздаги бош вакили Милош Томеш билан суҳбатлашдик.

ЧЕХИЯ ТРАНСПОРТИ — ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИДА

— Жаноб Томеш, «Мотоков» компанияси Ўзбекистонда ўз филиалини очибдан кўзланган мақсади ва иш услуби ҳамда йўналишлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бизнинг «Мотоков» компаниямиз ярим асрдан бери фаолият юритаётган бўлса, шу давр мобайнида собик Иттифок билан ҳам алоқалар килган, лекин бу алоқалар мутахассисларимизнинг Ўзбекистон билан яқиндан танишишларига имкон бермаган. Собик Иттифок парчалангач, Ўзбекистон ўзининг бор имкониятлари, бой фойдали казилмалари, ресурслари билан дунё юзига қалқиб чиқди. Бундан ташқари, Ўзбекистон давлатининг чет эллар билан алоқалари, айнисига иқтисодий ҳамкорлик катта эътибор берганлиги ва бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилганлиги бизнинг компаниямиз раҳбариятини бефарқ қолдирмади ва 1993 йил баҳорда «Мотоков»нинг яна бир филиали юзга келди. Шу 5 йил мобайнида компаниямиз уч йўналишда иш олиб борапти. Буларнинг асосийси, шаҳар аҳоли ташини транспортини яхшилаш бўлса, Навоий, Чирчиқ, Фарғонадаги комбинат ва заводларни асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва коммунал хизмат масалалари ҳам ҳозирги кунда бизнинг етакчи соҳаларимизга айланган бормоқда. Шаҳар транспортини яхшилаш, аҳолига қулай бўлган трамвай, троллейбуслар етказиш мақсадида «Тошшаҳарйўловчиган» билан шартнома тузилди ва 1994 йилдан бошлаб

келтирилган транспортларнинг яшил ва оқ рангли бўлишига ҳам сабаб шу.

— Энди коммунал техника ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Чехия бу йил Халқаро ва Европа тендерларида ўз коммунал техникаси, хусусан, чиқинди ташини машиналари билан иштирок этди. Бу бизнинг коммунал техниканинг сифати юқориликдан далолатдир. Коммунал техникага барча катта шаҳарларда бўлгани каби Тошкентда ҳам эҳтиёж катта экан. Утган йили биз Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан бу соҳада ҳам ҳамкорлик қила бошладик. Ҳозир шаҳарнинг Акмал Икромов туманида Чехиянинг чиқинди ташини машиналари хизмат кўрсатапти. Коммунал техника бўйича биз ишни энди бошладик, лекин ҳали ҳаммаси олдинда.

— Сизларда рентабеллик қандай? Маҳсулотларининг Ўзбекистон бозорига ўзини оқлатишини?

— Бизларнинг маҳсулотларимиз, умуман Чехия маҳсулотлари у нима бўлишидан қатъий назар технология бўладими, транспорт бўладими, бошқа йирик ва майда маҳсулот бўладими, жаҳон бозорига доимо қадрлиниб келган ва ўзини ўзи тула оқлай олган. Айнан, шаҳар транспортини ва технологиянинг Ўзбекистон бозорига ўзини оқлатиш бўлса, бизнинг маҳсулотимиз жаҳон бозорига нисбатан арзон, рақобат жиҳатдан Фарб, Европа ва бошқа ривожланган давлатларнинг автотранспорти ва технологиялари билан бемалол беллаша олади.

— «Мотоков» Ўзбекистонда яна қандай ишлари амалга оширмоқчи? Келгусидаги режаларингиз нималардан иборат?

— Мен юқорида келажакдаги режаларимиз ҳақида исмон тўқалиб ўтдим ва уларга қўшимча қилиб шунини айтмоқчиманки, келажакда биз ҳозир Чехияда ишлаб чиқарилиб амалда қўлланайтган метрополитен вагонларини ҳам Тошкент метрополитенга келтиришни мўлжалламоқдамиз.

— «Мотоков» асосан нималарга аҳамият беради?

— Биз, аввало, ўзбек халқининг эҳтиёжини ўрғаниб, уларга қулай бўлиш томонларини ҳисобга олиб, сўнгра буюртма қабул қиламиз. Масалан, шу трамвай, троллейбусларнинг зиналарининг пастроқ бўлиши, ўриндиқларининг кенроқ ишланиши ва ҳатто рангли ҳам ўзбек халқининг диндига мос тушишига аҳамият берамиз. Бу ерга

Алоқалар



Тошкент шаҳар ҳокимлигида

1999 йилда қўшиқ байрами ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирав Маҳкамасининг 1996 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон қўшиқ байрами тўғрисида» 403-сон қарорига биноан Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов «1999 йилда қўшиқ байрами ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ, 1999 йилда анъанавий қўшиқ байрамини ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар ташкилий қўмитаси ва ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди.

Туман ҳокимлари, Халқ таълими ва Маданият ишлари бош бошқармалари, Ижтимоий таъминот бошқармаси ва бошқа ташкилотларда саралаш кўрик-танлови қатнашчилари тўғрисидаги Ниҳомат мувофиқ 1999 йил 25 апрелдаги қарор билан кўрик-танловига тақдим қилиш топирилди.

Шаҳар кўрик-танловини 1999 йилнинг май ойида ўтказиш белгиланди.

Молия бош бошқармаси зиммасига кўрик-танловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланишини инobatта олиб, ушбу мақсад учун Маданият ишлари бош бошқармаси тақдим этган сметага мувофиқ маблағ ажратилиши топирилди.

«Тошкент оқшони» ва «Вечерний Тошкент» газеталари, Ўзтелефидиокомпаниянинг «Тошкент» студиясига кўрик-танлов тадбирларини мунтазам равишда тарғиб қилиш ва ёритиб бориш топирилди.

Сиз уни танийсиз! «Абдухолик Мамарасулов» дейилса бас, дарров лабингизга табассум югуради.

Абдухолик Мамарасулов қарийб 26 йил давомида ана шундай майдонда ўз санъатини намойиш этиб, халқ олқишига сазовор бўлиб келаяпти.

— Асли, Санъат институтида мохир педагог Омон Абдуразоқов курсини тугатганман, — дейди Абдухолик ака талабалик йилларини эслаб. — Бундан ташқари институтда И. Радун, Ш. Маъзумова, Н. Никифорова, М. Фаттоҳов сингари домлаларимиз бўлишарди. Улардан ҳам кўп нарса ўрганганмиз.

Хар бир актёр бирон катта санъаткорга эргашади, албатта. Шу маънода, мен ёшлигимданок Ҳамза Умаровнинг «этагини ушлаган»дим. Бахтиёр Ихтиёровнинг таълимини ҳам олганман. Қолаверса, мен Муқимий театрида ишлаган пайтларим у ерда Раззоқ Ҳамроев, Рауф Болтаев, Сойиб Ҳўжаев сингари зўр санъаткорлар ижод қилишарди.

Биласизми, ана ўша устозларнинг жами назаримда бир ажойиб гулдастага ўхшарди. Хар бирининг ўз иси, ўз чиройи, ўз таровати бор эди. Уйлайманки, бу гулдаста сира сўлмайди...

— Санъат оламида «Машхур бўлиш қийин, лекин машхур бўлиб юришундан ҳам қийин» деган гап бор. Мана сиз, кўчақўйда юргангизда «Ана, Абдухолик Мамарасулов», «Ия, Абдухолик аками?», «Вой, Мухаммадхон-ку!» деган гап-сўзлар кулоққа чалинади. Сиз ана шу нарсага, умуман шон-шухрат масаласига қандай қарайсиз?

— Жуда яхши қарайман. Аввало, эл назарига тушиш Оллоҳ томонидан берилган танқис неъмат, хар кимга ҳам насиб этавермайди. Қолаверса, машхурлик кишига янаям катта масъулият юклайди. Баъзан «Шу хурматга, шу эътиборга лойиқ ишлар қилаётганмиканман? Шунга муносибмиканман?» деб ўйлаб қоламан.

— Театрдан кетиб, «Телевизион миниатюралар театри»га ўтишингизга сабаб...

— Табиатан қизиққонроқ, янгилликка ўч эмасманми, назаримда театр сахнасига сиймай қолаётгандек бўлдим.

Бундан икки йилча муқаддам Ўзбекистон Телевизион компаниясида «Телевизион миниатюралар театри» қайтадан ташкил этиладиган бўлди, мени ҳам тақлиф қилишди. Азалдан бу машхур кўрсатувга қатнашиб юрардим. Бу даргоҳ менга бегона эмас эди. Шунинг учун ик-

киланиб ўтирмадим...

...Ҳақиқатан ҳам, Абдухолик Мамарасулов «ойнаи жаҳон»да ижро этган ва эътиборли образлар ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди.

Абдухолик ака ролнинг катта-кичигини таллаб ўтирадиган, «нозиктаб» актёрлардан эмас. У ҳамиша ўша образнинг характеридан, унинг моҳиятидан келиб чиқади ва ўзи ҳам ўша қаҳрамоннинг қилиқларини хатти-ҳаракатлари, гапиришию ҳатто кўз қарашларига

— Бўлганда-чи!.. Мана масалан, театрда ишлаган кезларим 22 йил давомида гастроль-сафарларида юрардим. Бормаган шаҳар ё қишлоғим қолмаган десам ҳам бўлаверарди.

Биласиз... Сафарда юргач, бирон меҳмонхонада, каравотда ётамиз. Уйда бўлса, негадир ерда, кўрпачада ётиб ўрганганман. Шу десангиз, каравотга ж.ж... кўникиб қолган эканман шекли, бир кун ерда ётган жойимда каравотдан ту-

мутойиба, қизиқчилик қилиб юрадиган санъаткор аҳолида яхши-ёмон кунларида ҳам, турши-турмушдаги муаммою жумбоқларни ҳал қилишда ҳам фаол иштирок этади.

— Бунақа пайтларда жуда жиддий бўлиб кетсангиз керак-а? — сўраймиз ундан.

Абдухолик ака илжайиб бош чайқайди.

— Йўқ, мен ҳаётдаги хар қандай жиддий масалани ҳазил-хузул билан енгиб ўтишга ўрганганман.

— Комик актёрларни кўпинча «бачкана», «масхарабоз» деб қабул қилиш ҳолатлари учрайди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Йўқ, Масхарабоз бошқа, қизиқчи бошқа, комик актёр бошқа. Ҳозирда буларнинг ҳаммаси қоришиброқ кетди. Шунинг учун чинакам комик актёрларнинг асл қиёфаси йўқолиб, вазифаси салбий тарафга ўзгариб кета бошлади. Энди «одамлар куларкан» деб сахнада ё экранда хар хил қилиқлар қилишни мен мутлақо ҳазм қилолмайман. Раҳматли устозимиз Раззоқ Ҳамроев айтди: «Саҳна олдида парда бор. У худди деворга ўхшайди. У ёқда томоша зали, бу ёқда сахна. Уртада эса парда-девор. Актёр репетициядан тортиб, премьерাগача ана шу девор ортида яшайиш керак. Зал тўлами? Хуштакбозлик ё қарсақларми? Бундан қатъи назар актёр ҳаммасини нуғутиши, ана шу девор ортида кулиши, йиғлаши, яшайиш керак». Кейин «Санъатни тақдир» ё қисмат деб билмаган актёр адашадиган эдилар.

Ушбу мақола ёзилаётган кезлари Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин билан учрашиб қолдик. Гапдан гап чиқиб устоз янги шеърларидан ўқиб бердилар. Улар орасида қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган «Абдухолик ҳақида кўшиқ» деган шеър ҳам бор эди.

Абдухолик, Абдухолик, Табиб олган кенг ҳалойиқ, Мутуйиба, ҳангомада Роль ўйнаша бели боғиқ.

Иҳчамгина, ишчангина, Унда йўқдир тумтароқлик, Қўли ювиб ҳозир-нозир Палов бўлса кўчқор ёлқиқ.

Кўпга кулги улашади, Истагани вақтчиқчиқ, Табиб тирриқ бўлиб кетар Учраб қолса қовоқ солиқ.

Гоҳ экранга, тўйга чопар, Тўтиб бўлмас сўё бақиқ. Унга Мўмин муҳлисари Талайдиллар сиҳат-соғиқ.

Маъмура РЎЗИЕВА, Эркин УСМОНОВ.

Диллашув

СИЗ УНИ ТАНИЙСИЗ



Назаримда, «Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ...» деган машхур сатрлар кўпроқ санъаткорларга мос келадигандек туюлади.

Негаки, санъат жаҳҳиси — театр ё кино бўладими, телевидение ё радио, цирк ё концерт зали бўладими, бундан қатъи назар кураш тўғрисида ҳам қимга ҳам насиб этавермайди. Қолаверса, унга юрагида ўти бор, ўз иқтидорига ишонган кишиларгина тўшади.

Биз кўйда сўз юритишга чоғланаётган актёр Абдухолик Мамарасулов айнан ана шундай, майдонга тушиш бахти насиб этган, ўз иқтидорига ишонган санъаткорлар сирасига қиради.

бойитишга, унга ранг ва кут бағишлашга ҳаракат қилади. «Илғор хотин-қизлар бригадасининг табелчиси» — Мухаммадхонни эслайсизми, ёки «Буқаламун», «Ихтиро», «Баднафс», «Овоз», «Ташмачи», «Хонаки уста», «Акс» сингари «митти комедия»лардаги ранг-баранг образларини хотирлайсизми, ҳамма-ҳаммасида Абдухолик Мамарасуловнинг роль ижро этаётгани деб эмас, балки ўша қиёфада яшайоти деб ўйлайсиз. Бу ҳам актёр маҳоратидан дарак беради, албатта.

— Сиз ҳамиша кулгили роллар ижро этасиз. Узингизни ҳаётингизда ҳам кулгили воқеа-ҳодисалар бўлганми?

шайаман деб ўйлабман! Бир кўз олдингизга келтирингиз!... Бунақа кулгили ҳолатни баъзан сахнада ҳам топиш қийин бўлади. Ушунда уйимдагилар ҳам тоза кулишганди.

Бошқа бир сафар ярим кечада уйқусираб ария бошлаворман. Бўлди, кулги!... Абдухолик Мамарасулов оиласи ҳақида гапираркан, унинг турмуш ўртоғи Назирахон педагог, икки ўғил, икки қизи ва неваралари борлигини ҳам эслайти ўтишни жоиз кўрдик... Қолаверса, бу хушчақчақ, дангалчи, сўхбати «жонон йигит» ўзи яшайдиган «Чилонзор» маҳалласи оқсоқолининг ўринбосари ҳам ҳисобланади. Яъни, ҳамиша ҳазил-

тинчи турида шахматчилар ўзаро куч синашганда наманганлик Ольга Сон қаршилик Ирина Тожмуродовани енгиб унга етиб олди. Ирина Барковскийни ютиб чиққан тошкентлик Севара Юсупалиева ва самарқандлик Ирода Ҳамроқулловадан устун келган тошкентлик Елена Левушкина пешқадамлар сафига ўтди. Бу ўрта на-

НИЯТИНГИЗГА ЕТИНГ, ҚИЗЛАР

Шахмат

Ийл давомида қатор мусобақаларда қатнашиб тажриба орттирмақдалар. Муяссар эса ўтган йилги жаҳон биринчилигида қатнашиб 11 имкониятдан 4,5 очко олган ҳолда Испаниядан қайтиб келди. Яқинда ниҳоятга етган ўсмирлар ва қизлар ўртасида республика биринчилигида донна сурган 30 нафар қизлар орасида опа-сингил Ортиқовлар ҳам баҳолли кудрат натижа кўрсатди. Ушбу мусобақанинг ет-

фар қиз 7 имкониятдан 5,5 тадан очко жамғаришга муваффақ бўлган эди.

Ўсмирлар баҳсида ҳам рақобат кундан-кунга кучайиб борибди. Чунинчи, еттинчи турда наманганлик Баҳодир Холмировнинг самарқандлик анча тажрибалироқ Элдор Исмаилова қарши ишлатган комбинацияси муҳлису мутахассисларга манзур тўшди. Атиги бир темп — суръат бой берган томон мағлуб бўладиган вазиятда

ниятдан 6,5, Л. Козак 6, Б. Холмиров 5,5 очко билан олдинда борардилар.

Ҳамма нарсани сўнгги икки тур ҳал қилиб берди.

Сўнгги икки тур ҳам ишқибозлар учун муваффақиятлик келди. Ўсмирлар турнирида Қаюмов билан Холмиров иккала учрашувни ҳам ютган бўлса, Козак биттасини бой бериб, иккинчисини ўз фойдасига ҳал қилди. Қизлар мусобақасида эса Ольга Сон билан Ирина Тож-

23 апрель кун республикамиз Олимпия ҳаракати фаолиятида энг муҳим воқеалардан бирининг гувоҳи бўламиз — шу кун «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Осиё мамлакатлари олимпия кўмиталари бош қотибларининг кенгаши бўлиб ўтди. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия кўмитасининг президенти Собиржон Рўзиев билан сўхбатлашдик.

— Собиржон Собитович, ушбу кенгашнинг моҳияти тўғрисида икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Осиё мамлакатлари олимпия кўмиталарининг кенгаши хар йили кўчма тарзда ўтказилиб, унда ўтган йилги ишларга якун ясаиб, келажакдаги режалар белгилаб олинади, энг муҳим масалаларга эътибор қаратилади. Шунинг таъкидлаш кераки, ушбу олий анжумани ўтказ-

дан, дастлаб олимпия бирдамлиги ташкилотининг бош директори Абдумуталлиб Аҳмад ушбу ташкилотнинг 1998 йилги иш якунлари ва 1999 йилга белгиланган вазифалар тўғрисида маъруза қилади. Сўнг маркетинг бўйича семинар ўтказилади. Олимпия бирдамлиги ташкилотининг директори Пере Миронинг маърузаси эса ушбу ташкилотнинг миллий олимпия кўмиталари билан ҳамкорликдаги фаолияти ҳусусида бўлади. Шунингдек, Пусаданги XIV ёғи Осиё ўйинлари бош қотиби Ман Суп Квак ушбу ўйинларга қўриладиган тайёргарлик тўғрисида маълумотлар беради. Узаро фойдали фикр-таҳрири алмашувлар бўлади.

Бундан ташқари меҳмонларни «Олимпия шон-шухрати», Темурийлар тарихи давлат музейлари, «Пахтакор» марказий ўйингоҳи, «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуаси, «Жар» спорт маркази каби шаҳримиздаги энг замонавий спорт иншоотлари билан та-

БОШ КОТИБЛАР ТОШКЕНТДА КЕНГАШАДИ

Воқеа арафасида

зидиган мамлакат бир неча давъогарлар орасидан танлаб олинади. Бу гал ҳам давъогарлар сафида Вьетнам, Малайзия, Индонезия мамлакатлари бор эди. Кенгаши ўтказиш учун Ўзбекистоннинг танлаб олиниши ҳам биринчи галда шахсан Президентимиз томонидан спортни, тинчлик рамзи бўлиши олимпия ҳаракатини ривожлантиришга бўлган эътиборинг халқроқ майдонда эътироф этилиши, қолаверса Осиё олимпия кенгашининг Президенти Шайх Аҳмад Ал-Сабоҳнинг Марказий Осиёнинг маркази ҳисобланмиш мамлакатимиз спортга берган муносиб баҳосидир.

— Айтингчи, анжуманга қайси мамлакатлар вакиллари таширф буюради?

— Осиёда жами 44 мамлакат бўлса, шундан 42 мамлакат олимпия кўмиталарининг бош қотиблари мамлакатимизга таширф буюришади. Улар қаторида Осиё олимпия кенгашининг Президенти Шайх Аҳмад Ал-Сабоҳ, Халқаро олимпия кўмитаси қошидаги олимпия бирдамлиги ташкилотининг бош директори Абдумуталлиб Аҳмад ва унинг директори Пере Мирон бошчилигидаги делегация, Пусаданги XIV ёғи Осиё ўйинлари ташкилий кўмитасининг бош қотиби Ман Суп Квак раҳбарлигидаги беш кишилик делегация, Британия олимпия кўмитасининг вице-президенти, олимпия маъмурий дас-турларининг мувофиқлаштирувчиси Ричард В. Палмер ва бошқалар бор.

— Шаҳримизда ўтадиган олимпия кўмиталарининг бош қотиблари анжуманида қандай масалалар кўриб чиқилади, умуман кенгаш дастури тўғрисида ҳам батафсил тўхталиб ўтсангиз.

— Албатта, юқорида таъкидлаганимиздай кенгаш кун тартибидан энг долзарб масалалар ўрин олган. Хусу-

ништирамиз.

Меҳмонлар Осиёнинг сайқали ҳисобланмиш Самарқанд шаҳрининг Улугбек обсерваторияси, Шоҳи Зинда, Регистон, Бибиҳоним, Гўри Амир каби кўчма ва улугвор меъморий обидалари билан танишадилар. Имом ал Бухорий меъморий мажмуасига саёҳат уюштирамиз. Уйлаймики, анжуман бутун Осиё қитъаси вакилларида мустақил республикамизнинг бугунги ҳаёти, унинг спорт борасидаги ютуқлари билан танишишларида муҳим ўрин тутлади.

— Собиржон Собитович, маълумки, бу йил халқаро спорт мусобақалари, турли нуфузли анжуманларга бой йилдир. Уларга қўриладиган тайёргарлик тўғрисида ҳам қисқача сўзлаб берсангиз.

— Дарҳақиқат, 1-2 майда миллий кураш бўйича дастлабки жаҳон чемпионати, 22-30 майда эркин кураш бўйича Осиё чемпионати, 21 июнда Бутунжаҳон югуриш кун, 3-10 сентябрда Бишкекда III Марказий Осиё ўйинлари, октябрь ойида бокс бўйича Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтади. Уларга спортчиларимиз қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Ўз навбатида уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш борасида биз ҳам баҳолли кудрат зарур юмушларни амалга оширишимиз. Бундан ташқари, май ойида энгил атлетика бўйича, октябр ойида эса бокс бўйича Осиё чемпионати доирасида халқаро олимпия кўмитаси билан ҳамкорликда семинарлар ўтказимиз. Улардаги ХОК си экспертларининг сермазmun маърузаларининг республикамиз спорт федерациялари аъзолари, ҳакамлар, мураббийлар учун жуда ҳам фойдалидир.

Дилшод ИСРОИЛОВ сўхбатлашди.



Шахмат олами ҳам ажабтовур воқеаларга бой. Хотин-қиз шахматчилар орасида энг кўп шов-шувга сабаб бўлганлар сафида венгрлик Полгарлар оиласи алоҳида мақомга эга.

Оталари раҳбарлигида бирин-кетин воғга етган уч опа-сингилнинг тўғинчи Жу-жа хозир 30 ёшда, аёллар ўртасида жаҳон чемпиони, халқаро гротсмейстер. Ўрта-хисси София 25 ёшда, халқаро мастер, кўплаб халқаро турнирлар голиби. Кен-жаси Юдит 23 баҳорни қаршилади, эркаклар ўртасида халқаро гротсмейстер! Ҳа, у билан теппа-тенг донна сура оладиган эркак гротсмейстерлар ҳам санокли.

Дуненинг турли мамлакатларида Полгарлар даража-сида бўлмаса-да, уларга эргашаётган шахматчи оила-лар мавжуд. Чунинчи, Хитой, Ҳиндистон, Туркманистонда улар машхур.

Ўзбекистондан етишиб чиққан шахматчилар оиласи — Аъзамовлардек матонат-лилар кам!

Мана энди эса қўшалок қизлардан иборат қубрайлик Ортиқовлар ний ура бошладилар. Гулнора 15 га, Муяссар 13 га, Ҳуснора эса 11 га қадам қўйди. Улар ҳам дастлабки сабоқни оталари

Ҳабибулла Ортиқовдан олган бўлсалар, эндиликда Қиб-райда очилган «Камолот» шахмат мактабида таҳриба-ли устозлардан сабоқ олмақ-далар. Улар кейинги икки

Баҳодир мураккаб ҳисоб-ки-тобга таянган ҳолда қурбон-лар бериб муҳим ғалабани кўлга киритди. Турнир пеш-қадами тошкентлик Сергей Қаюмов ҳамшаҳари Ж. Ма-жидовни енгиб маъкеини сақлаб қолди. Чирчиқлик Леонид Гозак А. Фалимовни ютиб охирги маррага чиқиб олди. Якуновчи икки тур ол-дидан С. Қаюмов 7 имко-

муродова икки учрашувда ҳам голиб чиққан бўлса, Се-вара Юсупалиева икки им-кониятдан битта очко олди. Бинобарин, тўққиз кунлик қизгин ва кескин баҳслар на-тижасида ўсмирлар турнири-да тошкентлик С. Қаюмов тўққиз имкониятдан 8,5 очко жамғариб биринчи, наманган-лик Б. Холмиров 7,5 очко билан иккинчи ва чирчиқлик Л. Козак 7 очко билан учин-чи поғонани банд этди.

Қизлар баҳсида 9 имко-ниятдан 7,5 тадан очко жам-ғарган Ольга Сон билан Ири-на Тожмуродова биринчи-иккинчи ўринларни баҳам кўрган бўлса, 6,5 очколик Юсупалиевага учинчи ўрин насиб этди. Еш тоифасига кўра Қаюмов билан Тожму-родова 18 ёшгача бўлганлар орасида ўтказиладиган шу йилги жаҳон ва Осиё бирин-чилигига йўлланма олди. 16 ёшгача бўлганлар орасида шундай ҳуқуқ Б. Холмиров билан Ольга Сонга, 14 ёш-лилар жаҳон ва қитъа бирин-чилигига эса Жўрабек Ҳам-роқуллов билан унинг ораси Шаҳнозага теғди. Голиблар Республика давлат спорт кў-митаси совринлари ва дипло-млари билан тақдирландилар. Бўлиб ўтган баҳслар ёшларимиз маҳорат даража-си бетўхтов ўсиб бораётган-дан дарак бериб турди.

Мамажон МУХИДДИНОВ.

ТИЖОРAT ХАБАРПАРИ ВА ЭЪПОНПАР

12 МАЙ СОАТ 15.00 да «УЧКУН» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БЎЛАДИ

КУН ТАРТИБИ:

1. 1998 ЙИЛ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА БОШ РАҚ-БАР ХИСОБОТИ.
2. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҲИСОБОТИ.
3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ҲИСОБОТИ.
4. МУЛК ШАКЛИНИ ЎЗГАРТИРИШ ХУЖАТЛА-РИНИ ТАСДИҚЛАШ.
5. ҲАР ХИЛ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Тошкент шаҳар «Сувсос» трести Тошкент шаҳар ҳокимининг 1998 йил 17 мартдаги 88-фармойишига мувофиқ Хусусий сектордаги истеъмолчиларга сув ўлچагиларни ўрнатиш бўйича ишларга ҳақни шартнома ҳисобда кўрсатилган муддатларда ўз вақтида тўлаш лозимлигини ЭСЛАТАДИ

1999 йил 1-чорак учун ҳақ ўз вақтида тўланмаган ҳолда қардорларни сув билан таъминлаш кўшимча оғоҳлантиришисиз тўхтатиб қўйилади. Хусусий сектордаги истеъмолчиларга сув ўлчигиларни ўрнатиш бўйича ишларга ҳақ фақат Тошкент шаҳридаги Халқ банкининг қирим кассаларига тўланади.

ИЧИМЛИК СУВИ — ОҚАВА СУВЛАР

«СУВСОЗ» ТРЕСТИ.

● Дўмбирободнинг 1-Нақошлик тор кўчаси, 12-уйда-ги 4 хонали уй сотилади.

«Тошкент Оқшом»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таълимларни, таъвалу қуллари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кутувларни, никоҳ эълонлари ва шунага ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ертайди.

Эълонлар шайба ва яқинбадан ташқари хар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши жа-моаси кенгашининг масъу-ли ҳодими Л. Т. Ҳасано-вага волидаи муҳтарамаси

Муборак ая ҲАСАНОВНИНГ вафот этганини муноса-бати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳрор Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни отқазиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.